

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барақа тилаб, “Оила ва жамият” газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Оила ва жамият

43 (1298)-сон 26 октябрь 2016 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



ИСТИҚЛОП ФАРЗАНДЛАРИ

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам кўплаб замонавий таълим масканлари, муҳташам спорт иншоотлари бунёд этилди, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароитлар яратилди. Бунга жавобан бухоролик ўғил-қизлар ҳам барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Олимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, халқаро фан олимпиадалари, фестивалъ ва танловларда мунтазам голиблар сафидан жой олиб, юртимиз шарафини янада улуғлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тоҳир Истатов, ЎЗА

УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА

ҳам оилага, ҳам касб-хунар коллежига, ҳам битирувчига фойдали

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларни ортиқча текширишлар ва бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилиш, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир. Бундан ташқари, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоялашда дастуруламал бўлмоқда.

Давоми 6-бетда

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

Давоми 2-бетда

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим-тарбия тизими тубдан ислох қилиниб, фарзандларимиз билим олишлари учун ҳар томонлама кенг имкониятлар яратилди. Барча таълим муассасалари замон талабига мос жиҳозланиб, ўқув жиҳозлари ва дарсликлар базаси мустаҳкамланди. Айниқса, халқаро олий ўқув юртлари филиалларининг Ўзбекистонимизда очилиши билимга чанқоқ ёшларимиз учун айна муддао бўлди.

Давоми 4-бетда

ШАКАР – ШИРИЦ ОҒУ(МИ?)



ШАКАР — ТАБИЙ МАҲСУЛОТ, НОТАБИЙ МЕЪЁР

Маълумки, ярим тайёр озиқ-овқатлар, консерва маҳсулотлари ва полуфабрикатларни хушўрлигини таъминлаш ва узоқ муддат сақлаш учун таркибига зарур миқдорда шаккар қўшилади. Табиийки, бундай маҳсулотлар таркибига кўп миқдорда шаккар қўшиш пул дардидаги ишбилармонларнинг ўзига хос ҳийласи, яъни маҳсулотига тобеликни ошириш мақсадида пухталики ва айёрлик билан ўйлаб топилган йўли.

Давоми 7-бетда

Кўп ҳолларда эскириб, яроқсиз ҳолга келган жинси шимларни ташлаб юборишга шошиламиз. Аммо, укувимизни ишга солсак, ундан бошқа бир буюмни яратишга уриниб кўришимиз мумкин. Оилавий бюджетга зарар келтирмаслик учун эски жинси шимдан янги сумка ясашнинг имкони бор. Келинг, газетамизнинг бу сонидан сиз билан айнан шу борада баъзи тавсияларни кўриб чиқамиз.



Давоми 8-бетда

24 октябрь – Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкал мажмуаси очилган кун

УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ЗАБАРДАСТ НАМОЯНДАСИ

Фарғона шаҳрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси очилганига 18 йил тўлди.

Қомусий олим Аҳмад Фарғоний муборак заминимиздан етишиб чиққан, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган алломалардан бири саналади. Бутун дунё Аҳмад Фарғонийнинг илм-фан ривожини йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлайди, уни вояга етказган заминга алоҳида эҳтиром билан қарайди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридида "Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башариёт дунёқароши ва маънавиятининг ривожланишига беқиёс таъсир кўрсатди. Унинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум", дея таъкидланади.

Буюк астроном, математик ва географ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний 797-865 йилларда яшаб ижод қилган. У Фарғонада таваллуд топган. Европада Ал-Фраганус номи билан шuhrат қозонган. Олим астрономия, математика ва география фанлари билан мукамал шугулланган. Қатор илмий ва амалий асарлар ёзиб қолдирган. У Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари



ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича зиж (астрономик жадвал) яратиш ишларига раҳбарлик қилган ҳамда 832-833 йилларда Сурия шимолидаги Синжор даштида Тадмур ва ар-Раққа оралигида ер меридиани бир даражасининг узунлигини аниқлашда қатнашган. Фарғоний раҳбарлигида Нил дарёси соҳилида дарё оқими сатҳини ўлчайдиган "Миқёси Нил" иншооти қурилган.

Бизнинг давримизгача Аҳмад Фарғонийнинг саккизта асари етиб келган бўлиб, улар орасида "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми ну-

жум китоби" дунё олимлари томонидан ҳозир ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Аҳмад Фарғонийнинг "Астрономия асослари" номли асари XII асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилинган, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани унинг нақадар улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Алломанинг Ер шарсимон шаклда эканлиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган

машҳур сайёҳ Христофор Колумб "Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим", дея дастхат қолдирган. Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига бобокалонимиз номи берилган.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюк ажодимизнинг жаҳон цивилизациясини ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир ҳайкаллари бунёд этилди.

Буюк аллома асарларини ўрганиш, ёшларга кенг тушунтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом этмоқда. Аллома номи билан аталувчи вилоят ахборот-ресурс марказида аънанавий равишда илмий анжуманлар, кўргазмалар ўтказилаётир. Фарғона давлат университети, политехника институти ва бошқа олий ўқув юртлири, умумтаълим мактаблари ва коллежларда ҳам Аҳмад Фарғоний мероси кенг ўрганилмоқда.

Мисрда, Нил дарёсидаги Рода оролида Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилгани ҳам ҳар бир ўзбек фуқаросига гурур ва ифтихор бағишлайди. Буларнинг бари жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизга бўлган эҳтиромнинг амалий ифодасидир.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг борини, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ЙўНАЛИШЛАРИ:

- Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

- Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

МАХСУС НОМИНАЦИЯЛАР:

- «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши мақола
- «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунини ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар - 100129, А.Навойи кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади.

Мурожаат учун: (371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 2016 йилнинг 10 ноябргача Республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:

Голиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz .

Ташкилий қўмита



берилиши аёнана бўлиб қолган. Бу йил ҳам халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан комбинатда ишлаётган барча опа-сингилларимизга, уруш ва меҳнат фахрийлари – мухтарам онахонларга мукофот пули берилди. Шу билан бирга комбинатнинг энг илғор хотин-қизларидан 400 нафари ҳамда меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ташкил этилиб, эсдалик совгалари топширилди.

Барча цехларда “Гигиена хоналари” ишлаб турибди. Комбинатда хотин-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун кўриктанловлар ўтказилмоқда. “Оила маликаси”, “Кўшигим сенга бахшида,

нинг соғликлари мустақамланмоқда. Металлургия жамоасида хотин-қизларнинг жисмоний салоҳиятини юксалтириш учун барча шарт-шароит яратиб берилляпти. Бу борада мунтазам ўтказиб келинаётган турли мусобақалар, уларни оммавий спортга кенг жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Комбинатда опа-сингилларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар ҳавас қилгудек. Улар учун металлургия спорт-соғломлаштириш мажмуасида фаолият кўрсатаётган “Саломатлик” гуруҳида ишдан кейин енгил атлетика, сузиш, баскетбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратилган. Комбинатнинг “Ёшлик” спорт мажмуасида аёлларимиз учун енгил атлетика ва спорт рақси

“ЎЗМЕТКОМБИНАТ”НИНГ МАТОНАТЛИ АЁЛЛАРИ

Бугун аёлларга бўлган эътибор тобора кучайиб бораётир. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида талай вазифалар адо этилмоқда. Корхона-ташкilotлар, муассасаларда аёлларимиз эркаклар билан тенг ҳуқуқли фаолият юритмоқда.



“Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти кўп минг кишилик жамоа. Айни чоғда комбинатда 2800 аёл меҳнат қилади. Акциядорлик жамияти таркибий бўлинмаларида ишлаётган опа-сингилларимиз яхши натижаларга эришмоқда. Комбинатда хотин-қизлар пўлат эритиш ҳамда навли прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда оператор, кран бошқарувчи, электромонтёр ҳамда ҳисобчи, иқтисодчи сингари вазифаларни шараф билан бажариб келишяпти. Муҳими, уларнинг меҳнат қилиши, дам олишлари, саломатликларини муҳофаза қилиши учун кўнгилдагидек шарт-шароит яратилган.

Электрда пўлат эритиш, 2-навли прокат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехлари комбинатнинг асосий маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида юздан зиёд опа-сингилларимиз меҳнат қилишади. Бу цехларда ойлик, чорак ва йиллик режалар мунтазам равишда бажарилиб келинмоқда. Бу таркибий бўлинмаларда “Ўзметкомбинат” АЖда бўлгани каби жорий йилнинг тўққиз ойлик режалари ҳам органи билан бажарилиди. Эришляётган меҳнат зафарларида комбинатда ишлаётган аёлларимизнинг ҳам муно-

сиб улуши бор.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехининг катта устаси Хадича Умарова, электр таъмирлаш цехи электромонтёри Фотима Дадаева, энергетика цехи оператори Азиза Узоқова, 1-навли прокат цехи кран бошқарувчиси Дилляра Каримова, мактабгача таълим муассасаси бўлими тарбиячиси Моҳира Мавлонова каби хотин-қизларимизнинг фидойилиги, жонкуярлиги диққатга сазовор.

Комбинатда хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга турли имтиёзлар берилган: аёлларнинг меҳнат таълиғига 3 кун кўшиш, икки ва ундан ортқ фарзанди бор аёллар, 16 ёшгача ногирон боласи бўлган ва 12 ёшгача боласи бор ёлғиз аёллар яна 3 кун кўшимча таътил оладилар. Фарзанди биринчи марта мактабга борадиган аёлларга сентябрь ойининг биринчи кунида ўртгача маоши сақланган ҳолда дам олиш куни тақдим этилади.

Ҳар йили 8-март куни мукофот пули

Ватан!” кўриктанловлари уюштирилади. Ҳар йили байрамларда шоир ва ёзувчилар, актёр ва актрисалар билан учрашувлар ташкил этилади. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига бағишланган, шунингдек, одам савдоси, гиёҳвандлик, диний ақидапарастликка қарши мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

Хотин-қизларнинг соғликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар доимгидек бу йил ҳам “Металлургия” шаҳар шифохонасида барча хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Соғлиғида муаммоси бўлганларнинг даволашлари, саломатликларини мустақамлашлари учун етарли шароит яратиб берилди. Шунингдек, комбинатнинг санаторий-профилакторийси ҳамда Республикамиз санаторийларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Комбинатнинг санаторий-профилакторийсида ҳар йили 140 нафардан зиёд аёл ҳамда 800 нафардан кўп металлургия фарзандлари-

тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси қончилиги ва металлургия саноати ходимлари куни ҳамда мамлакатимизнинг умумхалқ байрамларига бағишлаб аёнанавий равишда ўтказиладиган металлургия беллашувида хотин-қизлар спортнинг стол тенниси, енгил атлетика, шахмат-пашка турлари бўйича фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Жорий йилда ҳам металлургия хотин-қизлар бир қатор қизқарлик мусобақаларда иштирок этишди. Жумладан, июнь ойида Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида хотин-қизлар ўртасида спорт фестивалининг худудий босқичлари ўтказилди. Спорт фестивалининг вилоят босқичи 10 август куни “Ўзметкомбинат” АЖнинг “Ёшлик” спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган Тошкент вилояти хотин-қизлари спорт фестивалида 378 нафар спортчи волейбол, енгил атлетика, гимнастрада, эркин сузиш, дартс, стол тенниси, шахмат бўйича ўртасида куч синашдилар.

Қизқарлик ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Бекобод шаҳри кўлга киритди. Бу галабада металлургия комбинатида хизмат қилаётган аёлларимизнинг алоҳида ўрни бор. Беллашувларда улар бир қатор совринли ўринларни эгаллашди. Бугун “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти хотин-қизлари ўзлари севган касбида меҳнат қилиб корхона, қолаверса, жамият, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Исмаиёр МАМАТҚҮЛОВ

Суратларда акс этган ҳаёт

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековнинг ретроспектив кўргазмаси очилди.

Ж.Умарбеков ўзбек тасвирий санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор. Унинг серкйрра ижоди халқимизнинг бой маданий ва тарихий аёнаналяри-ю адабий меросини ўзида мужжассам этган.

Унинг ижодиди жонажон Ватанимиз, унинг мафтункор табиати, меҳридарё инсонларига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром муҳим ўрин эгаллайди. Рассом тасвирий санъатнинг турли жанрларида ижод қилади. Хусусан, натюрморт, манзара, портрет, мураккаб композиция каби жанрларда яратган асарларида юртимизнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари, тўкин бозорлари, ҳушманзара масканлари тасвирланган.

– Жавлон Умарбеков асарларини кузатиб, унда миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсоннинг ички дунёси, яратувчанлик ва вазминлик кайфияти, она табиатимизнинг гўзал манзаралари ўз аксини топ-



ганлиғига гувоҳ бўласиз, – дейди Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори Д.Раҳматуллаева. – Асарлар ҳаётйилиги,

замонавийлиги ва табиатга яқинлиги билан ажралиб туради. Ижодкор асарлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилган. Рассом ижодиди она ва бола, хотин-қизлар образлари алоҳида ўрин тутди.


Кўргазмада намойиш этилган “Шоир ва файласуф”, “Мен – инсонман”, “Утов ёнида”, “Кун ва тун жанги”, “Хумсонлик кўшиқчи – хофизлар” каби кўплаб асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Шахсий кўргазма ташкил этиш рассом учун ҳам қувончли, ҳам масъулятли иш, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Умарбеков. – Чунки шахсий кўргазма ўзига хос имтиҳон, дейиш мумкин. Рассом йиллар давомида чеккан машаққати меваларини томошабин ҳужмига ҳавола қилади. Хусусан, юртимизда бу табиий ҳол. Боиси – санъат мухлисларимиз жуда талабчан, диди баланд, санъатнинг барча жанрларини нозик ва теран тушунади. Бу, албатта, ҳар қандай ижодкорни ҳажжонга солади. Бугунги кўргазмага қўйилган асарлар тасвирий санъат мухлисларида манзур бўлса, уларни уйлашга, фикрлашга ундаса бениҳоя хурсанд бўлар эдим.

Шаҳноза Маматулопова

uza.uz сайтидан олинди.

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, Тошкент шаҳридаги Туриш политехника университети ҳам ана шундай олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу даргоҳда халқаро таълим стандартлари асосида билим берилишини, битирувчиларимиз келажакда нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг энг нуфузли автомобилсозлик корхоналарида фаолият юритишни мумкинлигини бугун барчамиз яхши биламиз. Шу боис бу ерда яратилган шарт-шароит ва ўқитиш тизими ҳақида эмас, балки университет хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг фаолияти ҳамда таҳсил олаётган талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасида олиб борилаётган маънавий ахлоқий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини кучай-

тириш, ҳуқуқий, тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилётган ишлар ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бугун университетда тўққиз юз нафарга яқин йигит-қиз таҳсил олмақда. 23 нафар магистрларимиз ўқишини Италияда давом эттирмоқда. Улар орасида 6 нафар қизларимиз бор. Университетда турли лавозимларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларимиз 65 нафарни ташкил этади. Университет асосан техника йўналишига ихтисослашгани учун ҳам ёшларимизнинг аксари йигитлардан иборат. Бироқ қизларимиз орасида ҳам бу соҳага қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу, албатта, қизларимизнинг техникага қизиқиши, улар ишлаб чиқаётган янги-янги лойиҳалар йиғитларникидан кам эмаслигини кўрсатиб турибди.

Қизларимиз келгусида бахтли бир хонадоннинг бекаси, бўлажак она сифатида ҳар қандай эътирофу эъзозга лойиқ. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда уларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу дастлаб қизларимизнинг кийинишидан бошланади, десам тўғри бўлади. Чунки кийим инсонни иссиқ ва совуқдан ҳимоя қилувчи восита бўлиш билан бирга, нобон кийиниш оқибатида турли касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Бу борада ҳар мавсумда “Талаба-қизларнинг кийиниш маданияти”, “Тиббий кўриқнинг аҳамияти” мавзуларида мутахассислар билан давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз. Ҳар йили ўқув йилининг биринчи чорагида талабалар тиббий кўриқдан ўтказилади. Кўриқ жараёнидаги таххис натижалари бўйича маслаҳатлар берилади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов “Она ва бола соғлом бўлса, она бахтли, она бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади”, деган эди. Бу ҳаётбахш эзгу гоя юртдошларимиз қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимизга айланган. Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш учун аввало, оналаримиз соғлом, маънан етуқ бўлиши лозим. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида университетда “Оммавий маданият” тушунчаси, унинг салбий оқибатлари ва ёшлар тарбиясига таъсир этувчи омиллари тўғрисида, “Маърифий ислом ақиданарастлики қоралайди”, “Ўзбекистонда интернет тараққиёти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни”, “Баркамол ёшлар – кўпимислатли Ўзбекистон келажаги”, “Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдоси қарши курашишнинг мазмуноҳиятини ёшларга тушунтириш”,

“Одам савдоси – ҳудуд, чегара, миллат тавламайдиган мудҳиш жиноятдир”, “Хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш” мавзуларида маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу учрашувларда ёшларимиз соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишяпти. Баъзида мавзу юзасидан берилган жавоблар ёшларимиз орасида баҳс-мунозарарага сабаб бўлмоқда. Очиғини айтганда, номигагина тадбир ўтказиш учун келган мутахассиснинг жавоблари ёшларимизни қониқтирмайди. Шу боисдан танланган мавзунинг моҳияти ва кўлаmidан келиб чиқиб ҳамкор ташкилотларнинг энг кучли мутахассисларини жалб қилишга ҳаракат қилияпмиз.

Бундан ташқари, буюк аждодларимизнинг таваллуд тоған кунлари, муҳим санага бағишланган кунлар ҳам эътибордан четда қолмайди. Тошкент шаҳридаги Туриш политехника университети талаба-қизлари ҳамда университет ҳузурдаги академик лицей ўқувчи қизлари ўртасида “Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир” шиори остида анъанавий спорт мусобақалари ўтказилади. Қизларимиз спортнинг шахмат, бадминтон, стол тенниси турлари бўйича дастлаб факультетлараро беллашпади. Финалга чиққан иштирокчиларга олий ўқув юртлариаро бўлиб ўтадиган мусобақага йўлланма берилади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда юрт келажагига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Гулбахор АЛЛАМОВА,
Тошкент шаҳридаги Туриш политехника университети хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти етакчиси

КАРМАНАНИНГ Оилавий тадбиркорлик ЛОЧИНИ

Чорвачилик, галлачилик ва пахтачилик сир-асрорини пухта эгаллаган илгор фермерлардан бири Бобоёр Ражабовни нафақат Кармана туманида, балки Навоий вилоятида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

У мана неча йилдирки, “Лочин” фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Суяғи меҳнатда қотган, тажрибали фермер, ернинг тилини биладиган инсонлардан. Сўзи билан иши бир, обрў-эътиборли, қатъиятли инсон. Хўш, нима бўлти, юртимизда бундай, лафзи ҳалол, илгор фермерлар, деҳқонлар камми, дерсиз?

Шукрки, юртимизнинг ҳар бир қишлоғи, маҳалла-кўйида, ана шундай эл қорига ярайдиган кўп. Шуларнинг фидойиликлари эвазига одамларнинг отғри енгил бўлаяпти. У меҳнати, ибратли умр йўли, қилган ишлари билан одамларнинг меҳрини қозонган.

– Она ер – ҳазина, – дейди фермер биз билан суҳбатда. – Уни қанчалик эъзозласак, у ҳам биздан ризқини аямайди. Асосийси, у бизни алдамайди. Брни алдасак, ўзимизни алдаган бўлаемиз. Биласизми, умрим далада ўтди, бахтимни ҳам, омадимни ҳам даладан – ҳалол меҳнат ортидан топдим. 1998 йили ташкил этилган хўжалигимизнинг 70 гектар ерида, пахта ва галла етиштираемиз. Бондорчилик ҳам йўлга қўйилган, 76 бош қорамолимиз бор. Ҳар йили пахта ва галла етиштириш бўйича белгиланган давлат шартнома режасини ошиғи билан бажарамиз. 14 нафар кишини иш билан таъминладик, улар шу-

нинг ортидан уй қурапти, тўй қиялпти. Барининг тағида ҳалол меҳнат ётибди.

Бобоёр акадаги соҳага бўлган қизиқиш, бошлаган ишини охирига етказишдаги қатъияти, ишбилармонлиғи фермер жўжалигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

– Оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, – дейди Бобоёр ака. – Келинларим Замира, Муҳаббат, Муниса ошпазлик-ниям, новвойлик-ниям, сут соғиш-ниям оилайди. Ҳар куни тандир-тандир нон ёпилади, хуштаъм овқатлар пиширилади. Ҳаммага ҳам шундай келинлар насиб қилсин, дея ҳавас қилишади маҳалладагилар.

Бобоёр аканинг оила тутуми борасидаги ишлари ҳам ўзига хос. У аёли Муслима опа билан тўрт нафар фарзандни ўстириб, тарбиялаб эл-юртга қўшди.

– Мустақиллик туфайли менга ўхшаган оддий деҳқонлар мулкдор бўлди, – дейди Бобоёр ака. – Бундай замонларни ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб ўтган. Хиромимиз донга, дастурхонимиз нонга тўлди. Рўзгоримизга қўт-барак қирди. Муслимахон билан биргаликда барча тўсиқларни енгиб ўтдик, рўзгорни бут қилдик. Невараларим, фарзандларим жам бўлишса, уйимиз тўйиб кетади. Шулар билан кўнглимиз шод, бағримиз бутун.

Бобоёр аканинг орау-умидлари буюк неъмат – мустақиллик туфайли рўёбга чиқди. “Лочин” каби кўптармоқли фермер хўжаликлари йил сайин ривожланиб, янада кўпроқ фаолият юритаётгани қувонарли. Сабаби, шунинг ортидан халқимиз дастурхони тўкин бўлмоқда.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” мухбири

БАНК КЎМАГИ БИЛАН



Фаргона вилояти Қўқон шаҳридаги “Авилон Қўқон текстиль” хусусий корхонасида синтетик момиқдан ёстиқ ва кўрпа-тўшак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Авазбек Абдурахимовнинг айтишича, жорий йилда «Агробанк» ажратган кредит эвазига замонавий тўкув, тикув ва матони бўлш ускуналари сотиб олинди, ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 20 га яқин ишчи-мутахассиснинг асосий қисми касб-ҳунар коллежини битириган ёшлардир.

Муқимжон Қодиров (сурат), ЎЗА

Дилбар Хожаева. 1959 йил 21 апрелда Бухорода туғилган. 1982 йилда Самарқанд тиббиёт институтини битирган. Тиббиёт фанлари номзоди. Бухоро Давлат тиббиёт институтини “Неврология ва тиббиёт генетикаси кафедраси мудири, доцент. “Азизмед Шифо” неврология хусусий клиникаси раҳбари. Оилали. Икки фарзанди, тўрт нафар невараси бор.

МЕҲРИ



МАЛҲАМ

ШИФОКОР

Қизи – Дилдора Ҳайдарова, тиббиёт фанлари доктори. Бухоро Давлат тиббиёт институти “Неврология ва тиббиёт генетикаси, кафедрасида ассистент. Куёви – Равшан Ҳалимов. Тиббиёт фанлари номзоди. Республика шопилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, шопилинч травматология бўлими шифокори. Ёғли – Нодиржон Ҳайдаров. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти неврология кафедрасининг 2-босқич докторанти. Келини – Эльнора Қаршиева. Тошкент шаҳридаги 2-туғруқ комплекс акушер – гинеколог.

қозонган, халқимиз дардига дармон бўлаётган кўли энгил шифокорлардан саналади. Дилбар опа 1993 йилдан буйён институтининг “Неврология ва тиббиёт генетикаси” кафедрасида ассистент, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келмоқда. Илмий изланишлари жараёнида у 142 та илмий мақола, битта ўқув-қўлланма, 18 ўқув-услубий қўлланма, битта патент, битта ахборот хати, чет эл илмий журналларида 37 мақола, бир қатор халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида тезислар chop эттирди. Дилбар Хожаеванинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган “Неврологияда

олтин қонидани ёдда тутмоғи лозим. Муноси аёл, садоқатли рафиқа, меҳрибон она Дилбар опа нафақат касб фаолиятида, балки оилада ҳам атрофдагиларга ибрат кўрсата олган кучли аёл. Турмуш ўртоғи Қодиржон Ҳайдаров автоҳалокат оқибатида вафот этганида қахрамонимиз ўттиз тўрт ёшда эди. Ҳали эсини таниб улгурмаган гўдаклари мунгайиб қолганини кўрган Дилбар опа фарзандлари учун яшаши, интилиши лозимлигини англади, ўзида шу пайтгача сезмаган руҳий куч-қувват борлигини ҳис этди. Болаларига ҳам ота, ҳам она бўлиб, турмуш ўртоғи билан биргалликда қилган орзуларини рўёбга чиқариш, унинг хотираси олдида юзини ёруғ қилишга интилиб яшади. Ана шу шаҳду шижоат, қатъий қарор Дилбар опани улкан ишлар, юксак

нодарь тиббиёт университетиде ўқув ишлари режасини масофадан ўқитиш орқали тўлиқ бажариб, педагогик квалификациясини ошириш курсларида малака оширди. Янгиликка интилувчанлиги боис “Бош миёда қон айланиши билан боғлиқ сурункали касалликларнинг когнетив бузилишлари ва унинг диагностикаси” мавзусидаги илмий иши юзасидан яратган янгилиги патентга сазовор бўлди. “Шогирд камоли – устоз жамоли” дейди доно халқимиз. Дилбар Хожаева ўз илмий фаолияти давомида юзлаб шогирдларни камолга етказди. Улар айни пайтда олий тоифали шифокорлар, фан номзоди, фан доктори сифатида тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатмоқда. – Отажоним ҳам ҳаётда, ҳам тиббиётдаги устозим, – дейди Дилдора Ҳайдарова. – Шифокорлик, олимпиа ва оналикки бир-бирига боғлаб, бир пайтнинг ўзида олиб боришни онамдан ўргандим. Бизнинг таълим тарбиямиз наворатини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаган. Укам иккимизга ҳаминша камтарин ва олийжаноб бўлишни, касбимизни севишни, одамларни кадрлаш ва ёъзоланиши уқтирар эди.

2006 йилда Дилбар опа “Азизмед Шифо” неврология хусусий клиникасини ташкил этди. Клиника дастлабки йилларда 10 ўринга мўлжалланган бўлса, йиллар давомида эллик нафар беморга



...Бухороий шариф азалдан илм ва маърифат бешиги ҳисобланади. “Шарқ гавҳари” номи билан маълуму машҳур қадимий ва навқирон шаҳар кўплаб фозилу фузалолар, олиму уламоларга бешик бўлган. Дунё тиббиёт илмининг отаси, қомусий билимлар соҳиби Абу Али ибн Сино камол топган кўҳна заминдан бугун ҳам буюк бобомизни ўларига маънавий пир деб ҳисоблайдиган шифокорлар етишиб чиқмоқда. Бухоро Давлат тиббиёт институти неврология, психиатрия, наркологи, тиббиёт генетикаси, тиббиёт психологияси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, олий тоифали шифокор ва айни пайтда “Азизмед-Шифо” хусусий неврология клиникаси раҳбари Дилбар Хожаева эл меҳрини

ҳамширалик иши” номли ўқув-қўлланмаси тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалик иши” факультетлари ҳамда тиббиёт коллежлари талабалари томонидан ўқиб ўрганилмоқда. –Инсон руҳияти ва қалбини даволамасдан туриб, жисмини даволаб бўлмайди, – дейди Дилбар Хожаева. –Ҳар бир шифокор бу

чўққилар сари етаклади. Изланди, таҳсилни давом эттирди. Қалбида эғасиз қолган муҳаббатини фарзандларига, яқинлари, сеvimли касби, инсонлар, талаба-шогирдларига бахшида қилди. Бугун Дилбар опа эъаз кутмай тухфа қилганларининг самарасидан мамнун. Фаол жамоатчи, етуқ олима Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда “Сиҳат-саломатлик”, “Саломатлик-2” Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятнинг барча туманларида тиббий кўриклар ва текширувлар ўтказиб келмоқда. 2012 йилдан то хозиргача “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида Бухоро вилоятининг барча туманларида ўтказилган тиббий кўрикларни ташкил этишда фаол

хизмат кўрсатиш даражасига етди. Ушбу клиникада кардиологик, эндокринологик, неврологик касалликлар билан оуриган беморлар даволиниб, саломатликларини тиклаш имкониятига эга. 28 нафар малакали шифокор, ҳамшира ва кичик тиббий ходим беморларга хизмат кўрсатмоқда. Опа ва унинг фарзандлари билан узоқ суҳбатлашдик. Қаҳрамонимиз юз-кўзидан ёғилаётган самимият, меҳрмуҳаббат ва мамнуният нурулари қалбларни ёриштиради. Шифокорнинг аввало тили ширин бўлсин, деган гап нечоғлик ҳақ эканига яна бир бор амин бўлдим. Юртимизда Дилбар опа сингари сўзи шифо, меҳри малҳам врачлар бор экан, элимиз соғ-саломат, фарзандларимиз соғлом ва бахтиёр воёга етишига шубҳа йўқ. Бехзод АДIZОВ, журналист



иштирок этиб келаётир. Эл ардоғидаги аёл 2005-2014 йиллар ичиде Тошкент тиббиёт академиясида, 2010 йилда Екатеринбург шаҳрида ва 2013 йилда Крас-

УЧ ТОМОНЛАМА

ШАРТНОМА

хам оилага, хам касб-хунар коллежига,
хам битирувчига фойдали

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун қай соҳага қараманг, тадбиркор аёллар ўзининг уддабуронлиги билан нафақат аҳоли фаровонлигини ошираётир, шунинг баробарида касб-хунар коллежини битираётган гайратли ёшлар иш билан таъминланмоқда. Улар корхона фаолиятини кенгайтириш, ривожлантириш борасида ҳам ўзларининг иқтидорини намойиш этиб, одамларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Каттақўрғонликларнинг аксари “Зебо” хусусий корхонаси фаолиятдан мамнун. Бундан ўн саккиз йил илгари ташкил этилган корхона бугун ўз йўналишини, йўлини топган. Ҳозирги кунда мазкур корхонада аҳолига маиший-сервис хизмат кўрсатиш – аёллар ва эркаклар саргарошхонаси, тикиш-бичиш устaxonаси, мураккаб турдаги маиший техникаларни тузатиш устaxonаси фаолият юритмоқда.

Ишни бошлаш жараёнини ҳали-ҳануз эслаймак, – дейди “Зебо” МЧЖ директори Файзинисо Шукурова. – Қаровези ётган бинода иш бошлаш, ишчиларни маблаг билан таъминлаш, уларга шарт-шароит яратиб бериш осон кечмаган. Шу сабабданми, ходимлар кўнимсизлиги, келиб-кетувчилар кўп бўларди. Ишни бошлаш – ишнинг ярмини бажариш, деган гап тўғри экан. Ушанда иродам қаттиқ синовдан ўтган экан, энди ўйлаб қарасам. Бошлаган ишимни чала ташлаб қочмадим. Аслида, бунақалар кўп эди ўша пайтлари. Бирда оч, бирда тўқ кунлар ўтди, асосийси, мақсадни амалга ошириш йўлидан чекинмай, олдинга интилдик. Бугунги ютуқларимиз ўша қийин дамларнинг меваси, назаримда.

Ўзига хос замонавий кўринишга эга мазкур корхонанинг оёққа туришида албатта, раҳбарнинг ўрни муҳим. Файзинисо опа эртаю кеч елиб-югурди, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун банкдан кредит олди, тумандаги касб-хунар коллежлари билан шартнома тузиб, битирувчиларни ишга жалб этди. Дастлаб – 2002 йилда корхона ҳудудини тартибга келтирди, бино томини ёпиб, нураган иморатни таъмирлади. Кейинчалик, даромади ортган, барча техника воситаларни замонавийсига алмаштирди. Шу сабабданми, ҳозир корхонанинг маиший-сервис хизматига қизикувчилар ва ундан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда.

– Туманимизда аҳоли сони йил сайин ошмоқда, – дейди каттақўрғонлик Мафтуна Жалилова. – Уларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш осон эмас. Лекин “Зебо” хусусий корхонаси раҳбари Файзинисо опанинг қилаётган ишлари ва хизматидан барчанинг кўнгли тўқ. Бундан ташқари, у бекор юрган ёшларни ёнига олиб, хунар ўргатапти, ёрдамга муҳтожларга қўл чўзаяпти. Менинг ҳам касаначилик фаолиятини йўлга қўйишимда опанинг алоҳида ўрни бор. Йўл-йўрик кўрсатди, сабр-бардош билан қийинчиликларни енгиб ўтишимга ёрдам берди. Дастлаб, айнан шу

Бандлик дастури – амалда

заримда. Уларнинг вақти ҳам шу орқали мазмунли ўтади, ҳам уйга фойда. Умуман олганда, битирувчилардан кўнглимиз тўқ.

Ҳақиқатан, амалиётчиларнинг аксари шу ерда ишлаётгани, иш сифати ва самаралорлигини таъминлаётганини “Кўклам улкан диёри” МЧЖнинг даромадлари кун сайин ошиб бораётгани, бу бево-



корхонада тажрибамни оширганим муостақил шуғулланишимга сабаб бўлди.

Кун сайин иш ҳажми ортиб бораётгани сабабли янги иш ўринлари ҳам яратилмоқда. 30-ҳодимни ўз атрофида бириктирган корхона эндиликда Каттақўрғон саноат ва миллий хувармандчилик коллежи билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур коллеж битирувчилари мана шу кичик корхонада амалиёт ўтаб, малакали, тажрибали мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини оладилар. Энг намунали амалиёт ўтаган ва келгусида шу йўналишда фаолият бошлашни кийин қилган ёшлар шу ерда ишлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Файзинисо опанинг келгусидаги ниятлари катта, аввало, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш орқали фаолиятини кенгайтириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш.

Ўтган йилги натижаларга эътибор қаратсак, битирувчиларнинг аксари айнан уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашаётир. Иш берувчиларнинг кўпчилиги айнан кичик корхоналар ҳиссаига тўғри келаётгани давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганининг натижасидир. Ҳудуднинг маълум хусусияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ишга йўналтириш кутилган самарани бераётганини эришилаётган натижаларда ҳам кўриш мумкин.

Бу сингари хайрли ишлар Тошкент вилояти Бўка туманидаги тадбиркор аёллар фаолиятида ҳам намойён.

“Кўклам улкан диёри” МЧЖ ташкил этилганига эндигина уч йил тўлди. Бироқ кичик корхонанинг ютуқлари ўзига хос. Шкаф, стол-стул, гардероб, диван, кресло, ҳар хил турдаги ўриндиқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона бугун ўз фаолиятини йўлга қўйиб, аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бормоқда.

– Ёш кадрлар ишга ташна бўлишади, – дейди кичик корхона директори Мўътабар Тўрақуллова. – Шу мақсадда Бўка маиший-хизмат кўрсатиш коллежи билан доимий алоқаларни йўлга қўйганмиз. Улар амалиёт давридаёқ шу ерда суяги қотади ва коллежни битириб ошга жойлашади. Синов мuddати деган тушунча бугун эскирди, на-

сита ишчиларнинг ҳақи кўпайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, айниқса, кейинги пайтларда ортиқча текширишларнинг олди олингани тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишига кенг йўл очмоқда. Тадбиркорнинг саъй – ҳаракатлари билан туманда “Мебеллар уйи” ва “Мебеллар олами” дўконлари қад ростлади.

– Ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда, – дейди Бўка маиший-хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси Фарида Қодирова. – Амалиётдан мақсад ҳам битирувчиларнинг муайян иш жойларида кўним топишларига қўмақлашишдан иборат. Бундан унумли фойдаланаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Мен ҳам шу мақсадда амалиёт жараёнида корхона фаолиятини чуқур ўрганиб, шу ерда ишламоқчиман.

Ҳозир мамлакатимизда яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам талайгина. Бухоролик Замира Жўраева бугун кулоччилик асосида ўз атрофига кўплаб ёшларни жалб қилаётир. У уйда кулоччилик тўғрарини ташкил этган бўлиб, унда Бухоро педагогика коллежи битирувчилари ўзлари “устоз-погирд” анъанаси асосида ясаган кулоччилик махсулотларини сотишмоқда.

– Бу ёшлар ўзлари учун ҳам ҳаракат қилишади, – дейди яқка тадбиркор Замира Жўраева. – Улардан вақтимни аямайман, кулоччиликнинг барча сир-асорини қўлдан келгунча ўргатайман. Шогирдларим орасида кулоччилик устaxonаларини очган, устоз даражасига етганлари ҳам талайгина. Бугун 40 нафар битирувчи билан ишлаяпман. Фаолиятимни янада кенгайтириб, кичик корхона очиб, ёшларни иш билан таъминлаш ҳаракатидаман.

Тадбиркорлик ортидан оиласи, жамиятимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган, юзлаб ёшларни ортидан эргаштириб, уларни иш билан таъминлаётган аёллар сони ошиб бормоқда, бу эса Биринчи Президентимиз Ислам Каримов бошлаган йўл, у киши илгари сурган эзгу гошлар нақадар ҳаёتبаш эканидан далолатдир.

Олим ЖУМАБОВ,
“Оила ва жамият” мухбири

Қаршида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳужалиги масалалари қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркорлар, фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самаралорлигини ошириш давлат органларининг биринчи галдаги вазифаси экани қайд этилган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комилжон Эрназаров. – Ушбу ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш йўлидаги говлар ва тўсиқларни бартараф этишда Биринчи Президентимиз белгилаб берган йўлнинг изчиллигини таъминлайди.

Тадбирда фармон ижросини таъминлаш, ноқонуний текширувлар оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асосий тўхтатилиши ва зарар етказилишига йўл қўймаслик юзасидан фикр алмашилди. Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик институти ташкил этиш тавсия этилган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Ўлмас Баротов, ЎЗА



ШАКАР - ШИРИЧ ОҒУ(МИ?)

ШАКАРГА ҚАРАМЛИК АФСОНА ЭМАС

Шакар ҳаддан ортиқ истеъмол қилинганда наркотик моддалар каби қарамликни келтириб чиқаради. Унга мутеълик организмда дофамин моддаси ошишига сабаб бўлади. Мунтазам равишда ва ҳаддан ортиқ шакарни кўп истеъмол қилиш ўрта мия фаолиятига зарар етказиши. Гарчи у мияни тинчлантириб, асабларни бўшаштирса-да, кейинчалик "ширин оғу"га мутеълик мия фаолиятига путур етказиши. 2002 йилда тадқиқотчи Карло Колантуони ва унинг Принстон университетидagi ҳамкасблари томонидан каламушларда ўтказилган тадқиқот натижаларига

кўра, шакар истеъмолида меъерни бузиш оғир ҳолатларга олиб бориши мумкин. Олимлар ушбу жониворларга ҳаддан ортиқ шакар ва гиёҳвандликни даволашда ишлатиладиган налоксон инъекциясини беришган. Бунда ҳар икки услуб бир хил асоратга олиб келади: каламушлар тишларини тақиллатиб, бошини чайқаб ўзини ҳар томонга ура бошлайди. Жониворларда қалтироқ туради.

"Physiology&Behavior" журнали ходими Викторией Мангабейр ва унинг ҳамкасблари томонидан чоп этилган янги мақолада ҳам шакар ва унинг инсон организмда меъёр бузилишига олиб келиши билан боғлиқ

янги маълумот ҳақида сўз юритилди. Хуллас, тажриба майдончасида яна каламушлар. Бу гал уларга шакар қўшилган сув ва тоза сув ичирилди. Каламушларга жўмракни босиб бошқариш ўргатилади. Бир неча кундан сўнг каламушлар шакарли сув келадиган қувур тагида тўпланишга одатланишади. Яъни жониворлар организмда шакарга қарамлик бошланади.

Албатта, булар ҳаммаси тажрибалар ва тадқиқотлар. Биз эса инсонимиз. Истеъмол қиладиган егуликларимизга ақл билан ёндашиб, меъерни унутмасак, бундай салбий оқибатлар келиб чиқмайди. Буюк Ибн Сино айтганидек "Овқат – дори, дори – овқат" бўлишига амал қилсак, саломатликка зиён етказиши мумкин бўлган егуликлардан ўзимизни чеклай оламиз.

(Давоми. Боши 1-бетда)
Афсуски, кўпчилигимиз бундан бехабармиз ёки билсак ҳам эътибор бермаймиз. Мутахассислар шакар худди никотин, героин ва шунга ўхшаш гиёҳванд моддалар каби бош мияга таъсир этиб, ўзига қарамлик пайдо қилишни таъкидлайди.

ЛИМОН

ЛИМОН – САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК:

Ҳаёт сизга лимон берса, лимонад қилинг. Албатта, бу ҳазиломуз ибора ҳаёт қийинчиликлари ўткинчилигига ишора сифатида айтылган. Аммо чиндан ҳам лимон бироз нордон таъмли бўлса-да, жуда лаззатли мева ҳисобланади. Мабодо сиз лимонни у қадар хуш кўрмасангиз ёки уни истеъмол қилолмасангиз ҳам ҳеч қачон ташлаб юборишга ошиқманг!

ЛИМОН ВА УНИНГ ПЎҶОҒИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҲАМДА ИЧИМЛИКЛАРДА

1. Лимонли ниқоб

Лимон шарбати таркибидаги алфа ва бета гидроксида кислоталари теридаги ўлик ҳужайралардан халос бўлишга ёрдам беради. Бундан ташқари, лимон сепкил ва қуёш нурулари орқали тушган доғларни ҳам йўқотишда асқотади. Лимондан ҳар хил ниқоб тайёрлаш мумкин. Ҳатто парфюмерия дўконларидан ҳам тайёр лимонли тозалаш воситаларини топши қийин эмас.

Лимонли ниқоб тайёрлаш:

Лимон майда қирғичдан ўтказилади. Қирғичдан ўтказилган лимон устига 100 грамм сметана (ёки қаймоқ) ва 5-8 томчи розмарин ёғи қуйилади. Аралашма терига суртилади ва 15-20 дақиқадан сўнг ювиб ташланади. Ушбу тавсия ҳафтада бир-икки марта мунтазам қўлланилса, қутилган натижага эришилади.

2. Лимон ёрдамида тирноқлар парвариши

Лимон ёрдамида тирноқлар парварилаш тавсияси жуда оддий. Бунинг учун яримта лимоннинг шарбатини сув тўлдирилган идишга қуюсиз. Бармоқларингизни шарбатли идишга солиб 3-5 дақиқа ушлаб турасиз. Тирноқларингиздаги бўёқ қолдиқларини лимон пўсти билан артиб ташлашингиз мумкин.

3. Бехузурлик ва ҳолсизликда

Агар ёмон ҳид ёки беморликда кўнглингиз айниб, ҳолсизланаётган бўлсангиз бир тилим лимонни оғзингизга солиб, бир муддат ушлаб турунг. Ҳолсизлик ва кўнгли айниши сизни тарк этади.

4. Лимонли тоник

Лимон қайта тикловчи, тетиклантиврувчи хусусиятга эга. Лимонли тоник тозалаш, дезинфекциялаш билан бирга организмнингизга қувват ва тетиклик бағишлайди. Одатда лимонли тоник минерал сув ва асал ёрдамида тайёрланади.

5. Хуш нафас

Лимон шарбати билан оғиз чайилганда, оғиз бўшлиғи дезинфекцияланади. Натижада оғиздан хушбўй ҳид келади. (Лимон кислотаси бактерияларни ўлдириб хусусиятга эга). Сўнг оғзингизни сув билан чайишни унутманг. Акс ҳолда лимон кислотаси тишларингиз эмалига дарз етказиши мумкин.

6. Хуш ифори ҳаммом

Лимонли эфир мойи қўшилган ванна қабул қилиш асабларни тинчлантириш билан бирга ортиқча вазндан қутулишга ҳам ёрдам беради.

7. Соч қазоғига қарши восита

Лимон бўлақларга бўлиниб, тилимлар соч илдизларига суртилади. Бу усул ҳафтада бир-икки бора қўлланилади. Аммо бу тавсия куруқ терили инсонларга хос эмас. Чунки лимон терини қурийтиб юборади.

8. Шамоллаганда лимоннинг ёрдами

Лимон шамоллашга қарши курашда яхшигина ёрдам беради. Масалан, оғиз орқали буг ваннаси қилинганда ҳам лимондан фойдаланиш яхши самара беради. Бир стакан қайноқ сувга лимон шарбати қўшилади ва беш дақиқа мобайнида оғиз орқали буг ваннаси қабул қилинади.

9. Қўлларни тозалашда

Лимон ёрдамида қўлдаги ёқимсиз ҳид ва доғлардан қутулиш имконияти мавжуд.

10. Лимонли сув – саломатлик манбаи

Кундалик истеъмол қилинадиган сувга лимон аралаштирилса, организм фойдали минерал ва витаминларга тўйинади.

11. Томоқ оғриги ва йўталда

Томоқ оғриги ёки йўталда икки чой қошиқ лимон шарбатига ярим чой қошиқ асал қўшиб ейиш тавсия этилади. Бу муолажа бемор томонини юмшатиб, йўталдан халос бўлишга ёрдам беради. Бундан ташқари лимон шарбати, асал ва қайноқ чой ҳам беморнинг тезроқ тугулишини таъминлайди.

12. Ари чаққанда

Ари чаққанда оғриқ жойига лимон шарбати суртилса оғриқ ва шиш бирмунча камаяди.

14. Балиқ ва гўшт маҳсулотлари учун зиравор

Балиқ ва гўшт маҳсулотлари учун уй шарбатида лимонли зираворлар аралашмаси тайёрлаш мумкин. Бунинг учун бизга қора мурч ёки қалампир, туз, саримсоқ пиёз ва албатта, майда қирғичдан ўтказилган лимон пўчоғи керак бўлади.

Зиравор-аралашмани тайёрлаш усули:

Қирғичдан ўтказилган лимон пўчоғи идишга солинади. Вироз қора мурч ёки қалампир қўшиб, аралаштирилади. Аралашма пиширик қорозига қуйилиб, газ печида бир соат мобайнида паст ҳароратда димланади. Вақти-вақти билан зираворлар ҳолатини текшириб туриш мумкин. Сўнг аралашмани қаҳва майдалагичда эзиш тавсия этилади. Шу жараёнда аралашмага таъбга кўра туз қўшишингиз мумкин. Лекин бу унчалик шарт эмас. Бу зираворлар аралашмасидан йил бўйи фойдаланиш мумкин.

15. Агар сиз лимонли чойни яхши кўрсангиз, демек қуйидаги тавсия сизга албатта ёқади.

Икки дона лимон пўчоғи майдаланиб, пластик идишга жойлаштирилади (битта лимоннинг майдаланган пўчоғи 2-3 чашка чой учун етади) Майдаланган лимон пўстлоғи устидан бироз шакар сепилади. Бунда лимон пўстидан табиий мой ажраб чиқади. Сўнг яхшилаб аралаштирилади ва қуриғич учун бирор соатга олиб қўйилади. Бу аралашма чойга ўзгача таъм ва маза беради.

16. Меваларни сақлашда лимоннинг фойдаси

Олма, банан, авакадо каби меваларнинг дарахтдан янги узилгандай сақлаш учун ҳам лимондан фойдаланиш мумкин. Бунда меваларга лимон шарбати сепиш тавсия этилади.

17. Шакарни узоқ муддат намлантирмай сақлашда

Жигарранг шакарга бироз майдаланган лимон пўстлоғи қўшилса, у узоқ муддат сақланса ҳам намиқиб кетмайди.

18. Лимонни кўп муддатга сақлаш

Лимонни кўп муддатга сақлаш учун, уни бўлақларга бўлиб, ҳар бир тилимига шакар сепиб музлаткичда сақлаш тавсия этилади.

19. Кўпроқ шарбат олиш учун

Лимон шарбатини кўпроқ сиқиб олиш учун, мевани бироз кўлда ишқалаш керак. Шундан кейин лимонни кесиб, шарбатини сиқиб олиш мумкин. Бундан ташқари, мевани сиқидан олдин иссиқ сувда бироз муддат ушлаб туриш ҳам мумкин.

ДЕКОРАТИВ ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ

Шинамгина ҳовлингиз бор. Ижгон даражасида кўзни яхналадиган гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экансиз. Бироқ яна нимадир камдек туюлаверади сизга. Ўйлаб қоласин: сунъий ҳовуз барпо қилса бўлмасмикан? Бўлганда қандоқ. Тўғри ўйладингиз, чунки бу ҳам ҳовлингизга ўзгача кўр бағишлаши, шубҳасиз.

Сунъий ҳовуз ландшафт архитектурасининг асосий бўғини саналади. Шу тариқа уйингизда жисмоний ва рухий куч оладиган муҳит яратилади. Агар яхши жой танлаб олинган, ҳақиқий жаннатомонанд гўшани вужудга келтира оласиз. Биринчи навбатда сунъий ҳовуз қуриш учун

жой танлаб оласиз. Энг асосийси – танланган жой. Агарда сиз турфа рангдаги балиқларни боқиш истагида бўлсангиз, ҳовузингизни жуда ҳам баланд қилиб қурмаганингиз маъқул. Тангачалари кам бўлган балиқ сув ва осийшталликни яхши кўради. Шунингдек, ландшафт архитектураси қондаларига ҳам риоя қилиш лозим. Яъни, ҳовуз бор жойга дарахт экманг. Чунки дарахтнинг барглари тўкилиб, ҳовузининг сувини ифлослантириши мумкин. 6-10 соат давомида офтоб тушиб турадиган жойда ҳовуз қуриш мақсадга мувофиқ. Сокинликни хуш кўрадиганлар учун қўлда ясалган ҳамда атрофи гуллар билан безалган ҳовуз яхшироқ. Табиийроқ чиқади. Ҳовузни уйингиздан бир оз четроқда барпо этиб, унга олиб



борувчи йўлакнинг икки томонига дарахтлар экиб қўйилса, дилингиз яйрайди. Борди-ю, декоратив ҳовуз барпо этишни истасангиз, у ўз шаклига эга бўлиши лозимлигини ёдда тутинг. Масалан, ҳовуз думалок ёки тўртбурчак шаклида бўлиши мумкин. Уни қураётганда атрофидаги бинолар жойлашувига алоҳида

эътибор қаратиш лозим бўлади. Энг оддий ҳовузнинг умумий майдони 5-2, чуқурлиги эса 0.5 метр бўлгани маъқул. Агар узунлиги 9 дан 2 метргача, чуқурлиги 1 метрдан ошса, бу қўлга ўхшаб қолади. Яна бир муҳим жиҳат, ҳовуз қанчалик кичик бўлса, у бўталаниб қолганида тозаланиши шунчалик осон бўлади.

Рухшунос маслаҳати

ХАР АКТЕРИЧГИЗ

ёзувнингизда намоён

Рухшунослар тадқиқотлар асосида инсоннинг ёзувига қараб унинг характери аниқлашяпти. Графология орқали одамнинг ички олами яқиндан билиш имконияти пайдо бўлаётир. Қуйидаги маълумотлар бунга асослади.

• Инриқ харфларда ёздиغانлар – жаҳлдорроқ, яқинларини кўзқорачигидек қадрлайдиган инсонлардир, улар биров тартибсизроқ бўлишади. Кўнгилсизликларни тезда унутишади.

• Сўзлар орасини очиб, бўшлиқ ташлаб ёздиغانлар ўзларини биров ёлғиз ҳис қилувчи, дўстга, сирдошга эҳтижманлардир. Улардан садоқатли дўст чиқади.

• Тартибсиз, пала-партиш ёздиغان инсонлар – турмушини у қадар яхши назорат қила олмас экан. Улар доимо яқинларининг қўллаб – қувватлашини кутади. Ёрдамга муҳтож бўлади. Шунга қарамай, бундай инсонлар кучли иқтидор эгаларидир.

• Семиз, юмалоқ харфлар очик, кўнгли кенгликни билдиради. Уларда атрофдагилар учун яқинлик сезилиб туради.

• Узув харфлар эса мардлик, эстетика, қобилиятдан далолат. Бундай кишиларнинг адабиётга меҳри баланд ҳисобланаркан.

• Шунингдек, қоғозга сиёҳ кўп томизилса, суркалса, бу каби инсонлар қутилмаган ажойиб ишларни қилишга мойилдир. Шунингдек, уларнинг табиати нозик бўлади.

• Жуда кичик харф, яъни, чумоли харф соҳиб ва соҳибалари – ўзига нисбатан ишончи сует, эҳтиёткор, техника билан тез тил топишадиган инсонлар сирасига кирар экан.


Чарос БИЛОЛОВА,
1-сон Тошкент Юридик коллежи ўқувчиси

ЭСКИ ЖИНСИДАН ЯНГИ СУМКА

Оила устахонаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Ўзингиз истаган сумка ўлчамини қоғозга чизиб олинг.



2. Агар сумкангиз оддий бўлиб қолишини истамасангиз, унга ҳар хил матолардан безак беришингиз мумкин.

3. Жинси шимнинг оёқ томонини кесиб ташлаб, қоғоздаги ўлчамни матога қўясиз ва 2 та бир хил ўлчамда кесиб олинг.

4. Бурчак қисмида 10 мм дан қирқиб ташланади.

5. Тикаётганингизда мато бурчакларининг тенглиги ва текис турганига эътибор беринг. Пала-партишликка йўл қўйсангиз, чизиларидан йиртилиб кетиши мумкин. Тикиб бўлгач, дазмолланг.

6. Шимнинг чўнтақларини қирқиб ташлаб, ён томондан тикиб қўйинг. Чўнтагингизнинг ўлчамини хоҳишингизга қараб танлашингиз мумкин.

7. Матодан 1.2-7 мм гача кесиб оласиз. Материал тилиб кетмаслиги учун бурма

хошия тикиш лозим бўлади. Унча катта бўлмаган бурамаларни тикув машинасида мустаҳкамлаб тикиб чиқинг.

8. Аввал олинган жинси матодан белбоғ қирқилади. 30 мм. узунликда кокеткали блузка кесиб тикилади.

9. Сумкани тепа қисмига белбоғли кокетка тикинг. Чикиб қолган ортиқча матоларни кесиб ташлаш лозим.

10. Сумка учун жинси матодан узунроқ бўлган тасма тикилиши шарт.

11. Тасмани сумканинг ички томонидан тикиб чиқинг.

12. Агарда ясама гуллар билан безасангиз, сумкангиз янада сержило бўлиб кўринади.

Ширинхон тайёрлади.

Oilavajamiat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Боалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Боалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3726. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ш. Мўминова
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

1 2 3 4 5